



Боқий Мирзо

ТИЛЛА-  
ФУРУШ



Боқий Мирзо

# ТИЛЛА- ФУРУШ

Роман

«Наманган»  
2016

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ўзб)7**

**М – 8**

**Мирзо, Боқий**

Тиллафуруш: роман. Боқий Мирзо. – Тошкент: Наманган, 2016.  
– 720 б.

ISBN 978-9943-4656-1-9

Китобда тўғри йўлдан адашган, бойлик ва кибр-ҳаводан ҳазар қилмайдиган, айни дамда эса бошига тушган кўргиликлардан тўғри хулоса чиқармаган инсонлар қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ўзб)7**

ISBN 978-9943-4656-1-9

© Боқий Мирзо, «Наманган» нашриёти. 2016 йил.

Бойлик – нафсни семиртирадиган ширинлик, ейсан – тўймайсан...

Фақат бойлик учун ташланган қадамлар аввалига ўта шиддатли бўлади, катта самара бераётганга ўхшайди, аммо охири телбаликка олиб боради. Афсуски, бойликни ҳаёт – мамот деб, бир умр уни деб яшаганлар фожиани тушуниб етмайдилар.

Бойликка муккасидан кетиш ҳаёт маъносини, Аллоҳ зиммага юклаган вазифаларни унутиш ва ўзига икки дунё азобини тайёрлаётганга ўхшайди...

\* \* \*

Тоғда дам олиш Хосиятнинг режаси эди. Асл мақсадини Ҳалима кейин тушунди...

Улар жума куни тонгда – ҳаво танга ёқадиган лаҳзаларда йўлга тушишди.

– Иссиқ бошланмай Туман аканикига етиб олишимиз керак! – шошилтирарди Хосият.

Тоғ олдидаги охирги қишлоққа етишганда йўналишдаги таксилар «У ёғига боролмаймиз» деб туриб олишди.

– Хоси, – деди Ҳалима машина топилавермагач, – тупканинг тагида дам олишимиз шартми? Яқиндаги хусусий дам олиш уйиларидан бирида тўхтасак бўлаверди-ку!

– У ернинг табиати бошқача, боргандан кейин қайтгинг келмай қолади, – қизиқтиради Хосият.

Тушга яқин битта мард «Тикочи» манзилга ташлаб қўйди. Бир сўмни ўн марта ўйлаб сарф қиладиган Хосият тикочига ҳотамлик қилганига Ҳалима ҳайрон...

– Тортишаверсак кеч киради. Эрта бормасак бўлмайди.  
Пул – топилаверадиган нарса...

Туман ака – бобоси ва отасининг эски қадрдони. Бир неча йил олдин Хосият бирга борганда отаси Туман ака ва унинг оиласи билан таништириб:

– Чироғимни ёқадиган шу қиз бор, холос! – деб маъноли қараб қўйган эди. Туман ака уни тушунган ва қизнинг келишини анчадан бери кутаётган эди. Бугун кўрдию, унинг мақсадини тушунишдан ташқари, катта қиз – ҳатто турмушли, болали бўлиб қолганини кўриб, дўппи бир айлангунча йиллар ўтиб кетибди-я, дея хаёлга толди ва унинг ота-бобосини эслаб куръон тиловат қилди.

Овқатланиб, бир соат дам олишгач, Хосият Ҳалимани тоққа чиқишга ундади. Мовий туман орасида салобат билан осмонга интилган чўққи жозиба билан ўзига чорлар, ўнгирлардаги оппоқ қор, кўм-кўк ўт-ўлан ён бағирларга тароват бағишларди.

– Олга! – деди Хосият спорт кийимлари устидан қалин жемферини кияркан.

– Нега крассовка олвол деганингни энди тушундим, Хоси!

– Тоғда шпилка туфли билан юролмайсан!

Кўм-кўк манзаралар, жилғаларни томоша қилиб, манзилга йўл олишди. Аммо иккови ҳам тоғ йўлидан юрмаган, машаққатини кечирмагани учун йўл ярмига етганда оёқлари оғриб, танасидан дармон кетди, сўқмоқ бўйидаги тошга чўзилиб қолишди. Алланарса куч бераётгандай Хосият ўзини дадил тутарди.

– Ҳали анча юрамиз, иродасиз бўлма, дугонажон! – деди ўзини чарчамаганга солиб.

– У ёғига ўзинг боравер, кучим қолмади.

Мовий туман қоплаган водий гўзал суратга ўхшарди, гуллар, лолалар, ўт-ўланлар денгиздай чайқалади. Руҳ тиниқиб, асаб дам олар, тана қувватга киради.

Ярим соатча дам олгандан кейин чарчоқ тарқади.

Булоқ сувидай кайфият, руҳий тетиклик аёллар вужудини эгаллаб олди. Аммо ярим соат юргач, яна бутун

танани чарчоқ қоплади. Оёқлар оғрир, қалтирар эди. Нотаниш, аммо гўзал манзаралар Ҳалимани ўзига оҳанрабодай тортса ҳам, юрагининг бир чеккасини билинар-билинемас қоронғилик забт этиб борарди.

Чўққига юз метрдан кўпроқ қолганда узоқдан қўнғир тусли айиқ кўриндию, иккала аёлнинг юраги чиқиб кетай деди. Айиқ уларни пойлаб келаётгандай, қулай фурсат топиб мақсадига етадигандай эди.

Айиқ юлғунлар орасидан ўрмаларди. Саросима билан орқага тисарилдилар. Харсангга урилиб беш баттар кўрқиб кетишди, йиртқичга ем бўлиш хавфи бутун вужудини эгаллаб борарди...

Хосият катта тош олиб, айиқ томон отди, аммо ҳайвон эътибор бермас, уларни кўрмаётгандай эди.

Ҳар бир лаҳза фожиани яқинлаштирувчи зинапояга ўхшарди. Айиқ ярадордек ўкирик овоз билан борлиқни ваҳимага соларди. Улар дуч келган томонга қочишаркан, ғор олдидан чиқиб қолишди. Хосият атайлаб шу ёққа қочдимиди, ё тўсатдан келиб қолишдимиди, Ҳалима сезмай қолди.

Ортига қаради: ғор! Олдинда – ваҳший айиқ!

Хосият тўсатдан ғор оғзини тўсиб турган харсанг қимирлаганини сезди.

Ғойибдан куч келиб, харсангни итаришди. У ғилдирак устида тургандай осон қўзғалди (бунини бобоси билан дадаси шундай ўрнатганини биларди). Апил тапил ғорга киришди-да, оғзини беркитишди. Бир оздан сўнг кўз қоронғиликка ўрганди, ғор шифтидаги туйнукдан нур тушиб турар, вазиятдан чиқишга умид туғдирарди.

Ғор тўрида билинар-билинемас сув шовуллайди. Ундан бошқа овоз, ё ҳаракатнинг йўқлиги даҳшатли воқеалардан дарак бераётгандек, юракка кўрқув солиб турарди. Улар ваҳимадан чалғиш учун ташқарига қарашди. Айиқ ғор оғзига келиб, аёлларни ейиш учун қулай вақт кутаётгандай ҳушёр ётибди.

Ғор ичидаги нарсаларни кўриш мумкин. Тўрға чўзилган йўлакда анчадан бери одам изи тушмагани икки ожизада

хавотир уйғотади. Ўнг томонда бўй баробар баландликда икки киши бемалол сиғадиган супа бўлиб, ёнида ташқари кўринадиган тешикча бор.

– Чиқамиз! – деди Хосият Ҳалимага елка тутиб.

Супага астойдил жойлашганларидан сўнг қоронғи, ғор тўридан намхуш ҳаво эсаётганини сеза бошлашди. Ҳалиманинг жемферини ерга солиб, Хосиятникига ўранишди. Сал нафас ростлаб қўрқувни унутишди, вақт имиллаб ўтар, зерика бошлашди. «Қачонгача ўтирамиз?» деган фикр айлана бошлади мияларида. Борлиққа қоронғилик бостириб келаётган эди. Ялмоғиз эшитиб қолмасин дегандай пичирлашиб гаплашишарди. Ҳадик билан учаётган шивир-шивиргина сукунатни бузар, ялмоғиз бир ямлаб ютадигандай бир-бирининг пинжига суқилишарди.

Саҳарга яқин кўзлари илинди.

Бирдан Хосият Ҳалимани туртиб кўзи билан пастга имлади. Ҳалима йўлакка қарадию, аъзойи бадани музлаб, кўз олди қорайиб кетди. Йўлакда думи ғор оғзига, боши харсанг остига қараб салкам икки метрли бир илон ётарди.

– Энди нима қиламиз? – деди қўрқув аралаш Ҳалима.

– Жим! – деди Хосият илон уйғониб кетишига ишора қилгандай.

– Ғор оғзидан секин чиқиб кетса бўлади...

– Етиб олса тириклай ютади!

Хосият қўрқувни енгиб, Ҳалиманинг қулоғига пичирлади.

– Катта бувим бунақа жойда хазина бўлади дегучи эди.

Унинг гапи охирига етмай илон супа томон ўрмалай бошлади.

– Ўлдик, Хосият! – титраб кетди Ҳалима. Хосият туни билан уларга суянчиқ бўлган тошлардан бирини жилдиришга имлади. Тош бунчалик оғирлигини хаёлга келтиришмаган эди. Биринчи уринишда бир қарич ҳам силжимади. Сал қимирлагандай бўлди, аммо яна жойига тушиб қолди. Илон ўзлари томон ўрмалаб келаётганини кўришганда юракка қўрқув тушган бўлсада, аммо шу

дам ғойибдан куч келгандай бўлди. Илоннинг боши супа ярмидаги харсангга етганда:

– Ташладик! – деди бирдан.

Қиррали харсанг бир юмалади-да, илоннинг боши эзилиб қолди. У салобат билан биланглаб тош остидан чиқишга уринар, думи тошларга тарсиллаб уриларди. Кейинги тош илоннинг белини эзиб, унинг типирчилаши тўхтади. У қанча ҳаракат қилмасин тош остидан чиқолмади. Хосият тарвуздай тошни мўлжаллаб отганда икки тош орасидан кўриниб турган белини янчиб ташлади. У ярим соатдан кейин тинчиб қолди. Ваҳима шу билан сўнгандай ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Фақат сувнинг билинар-билинемас шовуллаши эшитиларди. Хосият бу ишни қандай уддалаганига ҳайрон: худо куч ва жасорат берди шекилли...

– Ғорни томоша қиламиз! – дея енгил нафас олди Хосият. Ҳалима омон қолганига суюниб тезроқ кетишни ўйларди.

– Ташқарида айиқ турибди! – бепарво сўзларди Хосият дугонаси ортидан юришига ишониб.

Бир неча қадамдан сўнг кутилмаган ҳодиса рўй берди. Хосият оёғини симга ўхшаган таранг нарсага уриб олдию, ҳамма ёқни чанг-тупроқ, турли-туман тошлар, хас-хашак сингари майда-чуйдалар босиб кетди. Атрофда нималар бўлаётганини англаб бўлмас, «қарс-курс» овозлар ваҳимани кучайтирар эди. Улар йўлини туйнукдан тушган йирик тошлар тўсиб қолди. Бирдан атрофни кўрқинчли сукунат қоплади. Аммо Хосият катта мақсад йўлида майда қийинчиликларни бепарво енгаётгандек бепарво ҳам дадил эди.

– Олдинга ўтамиз! – деди тошларни четга сураркан.

– Хосият, қайта қолайлик, айиқ кетган.

– Мен шаршарани кўрмоқчиман.

Ҳалима ноилож эргашди. Сув яқинлашганда қоронғилиқ куюқлашади. Хосият сумкасидан фонар олиб олдинга қаратди. Ғор тубсиз жарликка ўхшар, ваҳимали эди. Хоси-



ятнинг бу саёҳатга махсус тайёргарлик кўргани Ҳалимани ҳайратда қолдираётган эди...

– Жон, ўртоқ, у ёғига бормайлик! – ялинарди Ҳалима., – бир кор-ҳол бўлса ўлигимизни топиролмайди. Болаларимиз нима бўлади?..

– Ёш боладай кўз ёш қилаверма, кўрқоқ!

Хосият дадил, Ҳалима журъатсиз эди. У ёрдан катта нарса умид қилар, Ҳалима ҳалокат кутаётгандай шеригининг оёғига ёпишди...

– Бас! Сен ҳам бормайсан! Айиқ ғажиб ташласа ҳам ортга қайтамиз. Яқинларимиз ҳеч бўлмаса суякларимизни топиб олишади. Қайтдик, илтимос!

Хосият Ҳалимани куч билан силтаб ташлаб, ерга йиқитди-да, олдинга интилди. Ўн қадамча юргандан кейин сув чайқалишига ўхшаш овоз эшитди. Қоронғида ҳеч нарса кўринмас, ваҳимали шарпалар кезиб юраганга ўхшарди. Ҳалима кўрқув ичида Хосиятга етиб олиб, кўлидан ушлади.

– Мақсадинг нима, мени ўлдириб кетмоқчимисан?

– Ҳей, латтачайнар! Бас қиласанми, йўқми? Ё ёрдан чиқиб кет, ё индамай орқамдан юр!

Хосиятнинг дор устида юргандай қалтис ҳаракат қилиши Ҳалимани ваҳимага соларди. Бирдан алланарса «қарс» этиб, тепадаги муштумдай келадиган туйнук ёнидан тош ажраб, сувга «шалоп» этиб тушдию, атроф ёришиб кетди. Ҳовуз суви шу қадар тиниқ эдики, тагидаги тошлар ва қумлар бемалол кўриниб турарди. Улар ҳайратдан ёқа ушлаб туришганда оёқ остидаги майда тошлар сурилиб, ҳовузга тушди, иккиси баравар додлаб юборишди. Атрофни шовқин, ваҳимали овозлар босди. Ҳовуз чети силлиқ, ушлайдиган нарса топилмас, сув остидан гирдобга ўхшаган куч икковининг оёғидан тортаётганга ёки ўлган илоннинг шериги ютмоқчи бўлаётганга ўхшарди. Улар бир-бирининг елкасига оёқ қўйиб бўлса ҳам сувдан чиқмоқчи бўлишарди. Сув шалоплаб, даҳшатни кучайтирарди.

Уларни аллаким кузатар ва бошқалар, атайлаб қийноққа солаётганга ўхшарди. Ҳалима ўкириб йиғлаб юборди. Аммо Хосият жон ҳолатда бўлса ҳам имкон қидирарди, ўлимдан қўрқаётган, кўзларида фожиа кўринган Ҳалима Хосиятни қўйиб юбормасди. Хосият уни куч билан силтаб ташласа ҳам ёпишаверарди.

– Ўзингни тут, Ҳалима, чўкиб кетамиз, торт қўлингни!

– Мени ушла, ҳозир ўлиб қоламан, Хосият!

– Э, пандавақи!

Хосият Ҳалимани зарб билан ўзидан узоқлаштирди. Гангиб қолган аёл тошга урилди. Чўкиш арафасида қирғоққа ёпишди ва қозиққа ўхшаш тошдан маҳкам ушлаб тепага интила бошлади. Хосият ҳам унга ёпишди.

– Тўхта! Мен олдин чиқиб сени тортиб оламан!

– Йўқ, аввал мен!

Тошқозиқ дош беролмай синиб кетди, иккови сувга ағдарилди. Хосият кўкрагигача чўкканда ҳовуз чуқур эмаслигини сезиб қолди, озгина чўккалаб юқорига сакради ва ҳовуз қирғоғига бориб тушди. Бир дақиқа ўтмай ташқарига чиқиб Ҳалимани тортиб олди.

– Хосият!

– Ҳалима!

Тенгидан бақириб юборишди.

Омон қолганига ишонмай бир-бирини ушлаб кўраётган дугоналарни ҳайрат алангаси чулғади.

– Кетдик! – деди Хосият ҳаммасини унутиб.

Бир неча қадамдан сўнг яна қоронғилик бошланди. Фор охирига етгач, Ҳалима ўзини қўлга олиб шеригини зимдан кузата бошлади. У муҳим нарса қидираётгандай деворларни пайпаслади. Ишламай қолган фонарни отиб юборди-да, улкан силлиқ тошни қўли билан тозаллади. Сийнабанди орасидан бир қарич пичоқсимон темир олиб тош орасига суқди. Нимадир «шир-шир» кесилди. Тош ўнгга сурилиб, тўртбурчаксимон жойда катта қовундай келадиган мис кўза пайдо бўлди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1452> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1452> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1452>